

---

## “Китобхон ҳамшира” кўрик танлови ўтказилди

Маънавиятимизнинг юксалиши, онг ва савия даражамизнинг кўтарилиши ҳамда руҳий оламимизнинг камолга етиши айна китоб мутолааси жараёни билан боғлиқдир. Китоб тўғри йўлга бошловчи, ҳамisha одамларни ҳаёт ҳақиқатига тик боқишга ундайдиган, билимларимизни бойитувчи хазинадир. Китоб инсонни тўғри йўлга бошлайди. Энг оғир дамларида содиқ дўст, ҳамроҳ бўлади.

“Тиббиёт ходимлари куни” муносабати билан тиббиёт ходимлари иштирокида ўтказилган “Китобхон ҳамшира” кўрик танловидан кўзланган асосий мақсад соҳа ходимларини китоб мутолаасига янада қизиқтиришга қатилди.

Тиббиёт ходимларининг билими ва дунёқарашини ошириш, ўзбек ҳамда жаҳон бадий адабиётига бўлган қизиқишини уйғотиш мақсадида ўтказилган кўрик танловда туман тиббиёт бирлашмасига қаршли муассасаларнинг тиббиёт ходимлари иштирок этдилар.

Кўрик танловда иштирокчилар ўзлари ўқиган асарлардан сахна кўринишлари намойиш этишди, шунингдек уларнинг билимлари синовдан ўтказилди. Тадбир давомида янграган куй қўшиқлар ийғилганларга бирдек манзур бўлди.

Тадбир давомида туман ҳокими Ҳалимжон Умаров ҳамда сектор раҳбарлари сўзга чиқиб тиббиёт ходимларини байрам билан муборакбод этди ҳамда иштирокчиларнинг билим ва солҳиятларини юқори баҳолади.

Эслатиб ўтамиз кўрик танлов ғолиблари туманда ўтказиладиган “Тиббиёт ходимлари куни” байрам тадбирида тақдирланади.

2022-11-12 18:58:23